



O'ZBEKISTON O'VOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2016-yil, 17-noyabr. Payshanba • 137 (32.196)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Коммунал хизматлар сифати ошиши ҳамда уларнинг нархлари мақбуллаштирилишини истасангиз, Президент сайловида Хатамжон Кетмоновга овоз беринг!



БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ, ТАШАББУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЗАРУР

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов самарқандлик ва навоийлик сайловчилар билан учрашди

2

Қонунчиликка мувофиқ, кузатувчилар сайлов комиссияларининг мажлисларида, сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда сайловга тайёргарлик ишларининг боришини, сайлов қўтиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш ҳуқуқига эга.

2

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Тошкент вилояти ҳокимлигида «Соглом она ва бола йили» Давлат дастури ва бошқа дастурлар ижроси юзасидан депутатлик назорати самаралари: ютуқлар, муаммолар ва истикболдаги вазифалар мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ҳокимликлар ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи ишчи гуруҳлар аъзолари,

нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти сиёсат жихатдан ижобий томонга ўзгариб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни аниқлаш ва ҳал этишда маҳаллий вакиллик органлари фаолияти самарадорлиги ошиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девонининг юридик бўлими мудири ўринбосари

А.Махмудов. — Маҳаллий вакиллик органларининг қонуний ваколатлари кенгайиб, уларнинг жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишдаги роли кучайиб бораётгани ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Маҳаллий вакиллик органлари назорат фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, ҳусусан, сўнгги йилларда қонунчиликка киритилган янги нормаларни амалга ошириш механизмлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг «Соглом она ва бола йили» Давлат дастури ва бошқа дастурлар ижроси устидан олиб борган фаолияти муҳокама қилинди. Бу борада эришилган натижалар, ўз ечимини қутаётган муаммолар ва тўлиқ

фойдаланилмаган имкониятлар таҳлил қилинди.

Тадбирда маҳаллий кенгашлар ва уларнинг тегишли доимий комиссиялари томонидан жойлардаги тиббиёт муассасалари фаолиятини янада яхшилаш, мазкур муассасаларда иш сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган масалалар сессия ҳамда мажлисларда етарли даражада муҳокама қилинмаётгани қайд этилди. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий кенгашлар назорат фаолиятини такомиллаштириш, бунда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

И.АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

Сайлов участкалари

муҳим сиёсий тадбирга тайёр

Юртимиздаги барча сайлов участкаларида муҳим сиёсий жараён — сайловга қизгин тайёргарлик кўриляпти. Улар зарур техник ва сайлов қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда кўргазмалар воситалари билан жиҳозланган. Навбатчилик ташкил қилиниб, сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериляпти.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 113

ҳамда 114-сайлов участкалари ташкил этилган. Уларда сайловга тайёргарлик ишлари намунали йўлга қўйилган. Участкаларда сайловчилар учун барча шарт-шароит мавжуд. Она ва бола, тиббиёт хоналари зарур воситалар билан таъминланган.

— Сайлов участкасида 2879 нафар фуқаро овоз беради, — дейди 113-сайлов участкаси раиси Собир Жумаев. — Биз сайловни юқори савияда

ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилияпмиз. Участкамизда турли семинар, учрашувлар ўтказилляпти. Сайловчиларни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар ташкил этиляпти. Бу эса уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Соҳибжон ХОТАМОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини талабаси.



Жарроҳлик бўлими — янги бинода

Пойтахтимизнинг Олмасор туманида жойлашган Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали ҳудудида янги жарроҳлик бўлими биноси тез фурсатда қуриб битказилди.

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар вазирлик тизимидаги ходимларнинг малакали тиббий ёрдам олишлари ва даволанишлари учун қулай шароит яратилаётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Бино замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Унда хирургия бўлими, травматология, урология, умумий жарроҳлик ҳамда реанимация каби қатор бўлимлар мавжуд.

Шунингдек, бинога хоналарни доимий равишда мўтадил об-ҳаво билан таъминлаш мақсадида замонавий кондиционер ҳамда бошқа ҳаво алмаштириш тизимлари ўрнатилган.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ



ДАВЛАТ ХАРИДИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси давлат харидлари ва унинг самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига давлат харидлари бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидлари экани қайд этилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, давлат харидлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида турли тармоқларга инвестиция қилиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш, ижтимоий вазифаларни бажариш, шунингдек, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби мақсадларда амалга оширилади. Демак, давлат харидлари жуда масъулиятли харидлар ҳисобланади. Бу масалада етти ўлчаб, бир кесиш, ҳар томонлама ўйлаб, қонунга мувофиқ ҳолда виждонан қарор қабул қилиш талаб этилади.

Парламентимиз Қонунчилик палатасида масъул кўмиталар томонидан ташкил этилган «Давлат харидлари шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари: ҳолати ва истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда давлат харидларининг ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизини ташкил этади. Яъни, бундай харидларнинг сифати, самарадорлиги иқтисодий тараққиётимизга бевосита таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Юртимизда бу механизмнинг маълум ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, Бюджет кодексига давлат харидлари тизимининг асосий қоидалари акс эттирилган. Соҳага оид 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Шу билан бирга, депутатларнинг фикрича, соҳанинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда тадбиркорлар бу борадаги асосий масалалар ҳақида ўзаро фикр алмашилди.

Уларнинг таъкидлашича, қонунчиликни такомиллаштиришда давлат харидларини рақобат асосида амалга ошириш, шаффофлик ва очиқлик механизмни яратиш, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш, давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш, давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибини яратиш, электрон харидларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш жоиздир.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари давлат харидлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини пишиқ-пuxта тайёрлаш йўналишлари юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

«ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ»

самарадорликни оширишга хизмат қилади

Тошкент шаҳрида парламент куйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда семинар ўтказди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш тизимини амалга ошириш тартиблари ҳамда механизмлари» мавзусидаги семинарда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари ва ахборот хизмати ходимларига услубий тавсиялар берилди. Ахборот соҳасида очиқлиқни таъминлашда намуна бўлаётган етакчи давлат органлари фаолияти билан доимий равишда таништириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Иштирокчилар Жамоатчилик кенгаши томонидан тасдиқланган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги мониторингини олиб бориш ва уни баҳолаш методикаси билан танишилди.

Ушбу методика асосида жорий йилдан бошлаб давлат органларининг очиқлик бўйича қонун ва қоидаларни амалга ошириш сифатини акс эттирувчи «очиқлик индекси»нинг умумий кўрсаткичи эълон қилиб борилиши таъкидланди. Албатта, бундай тартиб давлат идораларининг замонавий демократик тамойиллар асосида янада самарали фаолият кўрсатишда, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари таъминланишида долзарб аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.



САЙЛОВ —
ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

■ «Меҳнаткаш ҳамда тинчликпарвар ўзбек халқи барқарорликни ва тўпланган тажрибани қўллаш имкониятини ҳамма нарсадан устун қўяди»...

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҲКАМ ДЕМОКРАТИК ТИЗИМНИ ЯРАТИШГА ИНТИЛАЁТГАН ДАВЛАТЛАР УЧУН НАМУНАДИР»

Ўзбекистон халқи учун муҳим бўлган сана — 4 декабрь, Президент сайлови куни тобора яқинлашиб келмоқда. Бутунги кунда бу бўлажак воқеа республикамизда ҳам, хорижда ҳам энг кўп муҳокама этилаётган мавзудир. Чунки мамлакатимизнинг бундан кейинги тараққиёти, унинг янада юксалиши, мустақиллик йилларида барча соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятларни сақлаб қолиш ва уларни янада бойитиш ўтказиладиган ана шу сайловнинг натижаларига боғлиқдир. Ўзбекистоннинг замонавий ҳаёти билан яхши таниш бўлган кўпгина хорижлик экспертлар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда.

Пьер Шабаль,
Гавр университети профессори (Франция):

— Президент сайловлари Конституция ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvi тўғрисида»ги қонунга тўла мувофиқ ҳолда ташкил этилмоқда, бу эса давлатнинг конституциявий тизими самарали ва барқарор равишда амал қилаётганидан далolat беради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг 2016 йил 8 сентябрдаги қўшма йиғилишида қабул қилинган қарорлар ҳамда Президент сайловининг санаси эълон қилинган мамлакатнинг демократик кадрларига содиқ эканлигини бутун дунёга намоён қилди.

Шуни қайд этиш жоизки, мустақил ривожланиш йиллари давомида республикада эркин, демократик ва шаффоф сайловлар ўтказиш қафолатини таъминлайдиган саломлиқ қонунчилик замини шаклланди. Бу жараёнда Марказий сайлов комиссияси мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинган алоҳида аҳамият касб этди.

Шу боис, мен сайловларда хорижлик кузатувчиларнинг иштирок этишини юқори баҳолайман. Сайлов жараёни боришининг мониторинг конструктив халқаро ҳамкорлик руҳида, фақат миллий қонунчиликка мувофиқ равишда амалга оширилмоғи лозим, деб ҳисоблайман.

Олдинда турган Президент сайлови мамлакатни янада демократлаштириш ишида муҳим босқич бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Оливье Фор,
Сорбонна Париж V университетининг халқаро музокаралар бўйича профессори (Франция):

— Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик ишлари халқаро андозаларга мос бўлган ташкилий-сиёсий даражада бормоқда. Улар бўлажак сайловларнинг мамлакат қонунчилиги ва халқаро меъёрларга мувофиқ равишда ўтказилишини кафолатлайди.

Олдинда турган сайловлар мониторинги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИХБ) тўлақонли миссияси томонидан амалга оширилиши мамлакатдаги изчил демократик ривожланишнинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шуниси муҳимки, республика Конституциясида барча фуқароларга тенг сайлов ҳуқуқи берилган. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг тарихий ўзига хослиги ҳамда мамлакат аҳолисининг этник ва диний жиҳатдан хилма-хиллиги эътиборга олинган тақдирда Ўзбекистон эришган муваффақиятларнинг нақадар юқори баҳога сазовор эканлиги рўй-роҳат аён бўлади.

Мамлакат қонунчилиги билан тақдим этилган Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг қўшимча кафолатлари ушбу комиссия фаолиятида янада кенг демократияни

ва шаффофлиқни таъминлашга хизмат қилишини ҳам қайд этишни истар эдим.

Ўзбекистоннинг изчил иқтисодий ўсиши барқарорлик ҳамда жамиятдаги ижтимоий шериклик мустаҳкамланишидаги энг муҳим омил, деб ҳисоблайман. Ўзбекистон мустаҳкам демократик тизимни яратишга интилаётган давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Антонио Алонсо Маркос,
Сан Пабло университети профессори (Испания):

— Мустақиллик йиллари давомида эришилган натижаларни бирлаштириш ва янги муваффақиятлар йўлидаги шароитларни мустаҳкамлаш учун улкан аҳамият касб этадиган Ўзбекистон Президентини сайловларининг жуда муҳим эканлигини бутун дунёда тушунишди, деб

Барча сиёсий партиялар сайловолди дастурларининг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳаммаси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини, мамлакат иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий фаровонлигини ёқлаб чиқишмоқда.

йўлайман. Ишончим комилки, ўзбек халқи мамлакатни янги даражага олиб чиқадиган, бундан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминлайдиган ҳамда унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлайдиган муносиб номзодни ёқлаб овоз беради. Шу боисдан ҳам олдинда турган сайловлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади.

Удо Фолькер,
CLAAS компаниясининг мустақил маслаҳатчиси (ГФР):

— Мен Ўзбекистон билан, унинг иқтисодиёти ва сиёсий ривожланиши билан яхши танишман, Германия — Ўзбекистон иқтисодий форуми ишида фаол иштирок этаман.

Олдинда турган Президент сайлови нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё сиёсий ҳаётида муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки Ўзбекистон минтақа барқарорлигининг сақланишида ўта муҳим ўрин тутди.

Жорий йил 4 декабрь куни бўлажак сайлов демократик тамойиллар ва халқаро андозаларга мос равишда ўтишига ишончим комил, чунки Ўзбекистон олдинда турган муҳим сиёсий тадбирни юқори даражада ташкил этиш учун барча ҳуқуқий ва техникавий имкониятларга эга. Умидворманки, ўзбек халқининг хоҳиш-иродаси республиканинг янада раванк толишига, мамлакат Биринчи Президентини Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида мустақиллик йиллари давомида эришилган муваффақиятлар қўламлигини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

Роберт Блум,
Женева Дипломатия даврасининг президенти (Швейцария):

— Ўзбекистонда очкилик ва демократия муҳитида олиб борилаётган сайлов кампанияси давлат бошқаруви тизими ривожланишининг ҳамда аҳоли сиёсий маданияти юксалишининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Мен сайловларда тўртта сиёсий партиядан номзодларнинг иштирок этишини ҳамда сайловларнинг шаффофлигини таъминлаш юзасидан қўламлигини чора-тадбирлар сиёсий барқарорлик ва қонун устуворлиги кафолатининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Барча сиёсий партиялар сайловолди дастурларининг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳаммаси фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини, мамлакат иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий фаровонлигини ёқлаб чиқишмоқда. Менинг

фикримча, улар бир-бирини тўлдирди, алал оқибатда уларнинг қай бири ҳаётга татбиқ этилишидан қатъи назар, мамлакатдаги умумий сиёсий муҳит реал иқтисодий ва молиявий истиқболлар эшигини очгани баробарида хорижий шерикларнинг республика иқтисодиётига сармоя киритишини рағбатлантиради.

Сидхарт Саксенна,
Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси (Буюк Британия):

— Менинг назаримда ҳозирги сайловолди жараёни унинг тарихий аҳамиятга эга эканлиги ва мазмундорлиги нуктаи назардан жуда муҳим ҳисобланади. Мамлакат Биринчи Президентини Ислам Каримов томонидан барпо этилган сиёсий тизим ўзининг мустаҳкам ва барқарор эканлигини намоён қилганини минтақа мутахассисларининг кўпчилиги қайд этишмоқда. Қолаверса, менинг фикримча, Ўзбекистондаги ўтиш даври худди шундай вазиятга эга бўлган бошқа давлатлардагидан фарқли равишда биргина сайловолди жараёни билан тўлдирилгани йўқ — у қатор муҳим ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, Тошкентнинг юқори даражадаги ташки сиёсий фаолиги қўллаб-қувватланиши билан ёдда қолади.

Менга шуниси ҳам аёнки, меҳнаткаш ҳамда тинчликпарвар ўзбек халқи барқарорликни ва тўпланган тажрибани қўллаш имкониятини ҳамма нарсадан устун қўяди. Дунёнинг бошқа бир чеккаларидаги сайловолди пойғалари бир-бирига таъна тошларини отиш ва популистик ёндашуларга қурилган бир даврда ўзбек сиёсатчилари нафақат прагматизмни, балки ўз халқи олдида келажак учун бўлган катта масъулиятни ҳам намоён этишмоқда.

Мен овоз бериш натижаларини некинлик билан кутаман. ЕХТ кузатувчиларининг тўлақонли миссиясини ҳамда кўп сонли бошқа халқаро кузатувчиларни қабул қилишга ҳозирлиги Ўзбекистоннинг бу тадбирни қабул қилинган халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда ўтказишга бўлган интилождан далolat беради.

«Жаҳон» АА

■ СУД ДЕПАРТАМЕНТИ:

ИЖРО САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментида «Суд департаментининг фаолияти, тизимда замонавий ахборот технологияларининг татбиқ қилиниши ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида судлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бундан қўзланган асосий мақсад — фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловни таъминлашдир. Бу жараёнда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг ўз вақтида, сўзсиз ижро этилиши жуда муҳим. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этувчи алоҳида тузилма фаолияти йўлга қўйилган шу мақсадга хизмат қилаётди. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуни бунда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Суд департаменти ушбу қонун ижросини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошираётди. 2009 йил 14 январда қабул қилинган «Ижро иши юритиш таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун асосида ижро ҳужжатини ўз вақтида ижро этмаганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Ушбу қонунда суд ҳужжатларини ижро этмаган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланиб, бундай қилмишни содир этган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ижро ҳужжатини ижро этмаслик, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун асосида ижро ҳужжатини ўз вақтида ижро этмаганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётди.

Н.АБДУРАИМОВА,
УЗА мухбири.

■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хонжиша хазинаси ўзининг бебаҳо дурдоналарини инъом этмоқда

...Азим Ҳисор тоғ тизмалари бағрида жойлашган Хонжиша полиметалл фабрикасида ҳаёт кайнайди. Бир томонда курувчилар, бир тарафда ишчилар шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Хонжиша — мамлакатимиздаги йirik қонлардан ҳисобланади. Геологик қидирувлар натижасида худудда ўнга яқин ноёб маъдан захиралари борлиги аниқланган. Тоғлар бағридан қазиб олинаётган руда «Кенгузар» қишлоғидаги маҳобатли фабрикада майдаланиб, пешма-пеш Олмалик кон-металлургия комбинатида қўнатилади.

Фабрикада икки минг нафарга яқин жамоанинг асосий қисмини

ёшлар ва коллеж битирувчилари ташкил қилаётгани янада қувонарли.

— Ушбу жамоада меҳнат қилаётганидан фахрланаман, — дейди **Достонжон Муродов**. — Коллежни тугатлаб, фабрикада иш бошладим. Бу ерда биз учун барча шароит яратилган. Ошхона ишлаб турибди, махсус иш кийимлари берилади. Тажрибали мутахассислардан касб сирларини пухта ўрганапмиз. «Услот — шогирд» анянасини йўлга қўйилганидан хурсандим...

— Фабрика Сарбосиё тумани марказидан 40-50 километр олингда жойлашган, — дейди **«Хонжиша»** тиббиёт бўлими бошлиғи, **ЎЗХДП аъзоси Абдулла Муқимов**.

— Қишлоқларимизда 10 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Яқин ўтмишда халқнинг турмуш шароити оғир эди. Қишда лой, ёзда чанг-тўзон, ўйдим-чўқур йўлдан юришга тўғри келарди. Ўша пайтда бугунгидек оламшумул ўзгаришлар кинининг хаёлига келибди, дейсиз? Бунёдкорликлар натижасида кенг ва раван йўл, янги мактаб, тиббиёт муассасаси қурилди. Қўркам турар-жойлар бунёд этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол шарофати билан Хонжиша бағридаги бебаҳо бойликлар эл-юрт раванқига хизмат қила бошлады.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги филиали

Чет элга кетаётган фуқароларни жўнаб кетишдан олдин мослаштириш ва ўқитиш марказида соатбай дарс асосида «Корейс тили ва маданияти», «Япон тили ва маданияти», «Диний экстремизм ва миссионерлик ҳолатларининг олдини олиш» ва «ОИТС ва венерологик касалликларнинг профилактикаси» фанларидан дарс бериш учун ўқитувчи лавозимига танлов эълон қилади.

Номзодлар куйидаги талаблар асосида қабул қилинади:

- мутахассислик бўйича олий таълим муассасасининг бакалавр (магистр) дипломи;
 - Тошкент шаҳрида доимий (вақтинчалик рўйхатга туриш) яшаш;
 - тавсиянома;
 - дарс бериш методикасига эгалиги.
- Ҳужжатлар Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-й манзили бўйича Агентлик умумий бўлимида 2016 йилнинг 1 декабрига қадар қабул қилинади. Маълумот учун (0371) 214-30-76 телефон рақами орқали мурожаат этиш мумкин.

■ ОГОҲ БЎЛАЙЛИК!

Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида «Одам савдосига қарши курашиш — долзарб масала» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва «Istiqbolli Avlod» ижтимоий ахборот маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Одам савдоси — давр муаммоси

Семинарда ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимининг жойлардаги тизим ходимлари, шунингдек, одам савдосига қарши курашиш бўйича соҳа вакиллари ҳамда мутасадди ташкилот ходимлари иштирок этди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад — келгусида давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолият доирасида аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар орасида одам савдосининг олдини олиш; унга қарши курашиш, одам савдоси жабрланувчиларига кўмаклашишга йўналтирилган ҳамкорлик самарадорлигини оширишдир.

Семинар давомида одам савдоси муаммосининг долзарблиги, давлатимиз томонидан ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган чоралар ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Трансмилий кўринишга эга бўлган одам савдосига қарши курашиш учун барча давлат ташкилотлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунда алоҳида белгиланган одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларнинг қаровсизлиги ва назоратсиз қолишига ҳамда улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Интерактив усулда ўтказилган тадбир давомида одам савдоси жиноятининг асосий унсурлари, шу жумладан, вояга етмаган жабрланувчиларнинг психологик ва ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш усуллари, жабрланувчиларга кўмаклашиш каби масалалар юзасидан қизгин баҳс-мунозара бўлди.

Тадбир якунида ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, одам савдосига қарши янада самарали курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Давлат ва фуқаролик жамияти институти ўртасидаги
ижтимоий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш лозим»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ —
АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

РЕКЛАМА

AGROBANK

Fitch Ratings

халқаро рейтинг
агентлиги 2016 йил 16-ноябрда

“Агробанк”

акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини

“Барқарор”

деб баҳолади

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»



ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 269-15-97, (+99871) 262-34-72.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiiddin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9892
nuxxada
bosildi.


Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:23
Topshirilgan vaqti — 20:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5